

**“ДЕХҚОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ” акциядорлик жамияти  
ягона акциядорининг қарори**

Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 38-уй.

2022 йил “19” сентябрь

“Дехқонобод калий заводи” АЖ томонидан муомалага чиқарилган 2 301 392 924 315 дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акция пакети жамият ягона акциядори – “Ўзкимёсаноат” АЖга тегишли бўлганлиги сабабли кворум 100 фоизни ташкил қилади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 58-моддаси ва жамият Уставига мувофиқ 2022 йилнинг «\_\_» сентябрь куни якка тартибда қабул қилинди ва ёзма шаклда расмийлаштирилди.

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Дехқонобод калий заводи” АЖ бошқаруви раисининг транспорт ва логистика масалалари бўйича ўринбосари О.Қурбоновнинг аризасини кўриб чиқиш.**

**Кун тартибидаги масала юзасидан:**

“Дехқонобод калий заводи” АЖ бошқаруви раисининг транспорт ва логистика масалалари бўйича ўринбосари Қурбонов Ойбек Абдусатторовични ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги аризаси ўқиб эшиттирилди (*О.Қурбоновнинг аризаси илова қилинади*).

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) 59-моддасига асосан жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Аризани қаноатлантириш таклифи киритилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Дехқонобод калий заводи” АЖ ягона акциядори **қарор қилади:**

1. “Дехқонобод калий заводи” АЖ бошқаруви раисининг транспорт ва логистика масалалари бўйича ўринбосари Қурбонов Ойбек Абдусатторович ўз аризасига биноан 2022 йил 12 сентябрь куни эгаллаб турган лавозимидан озод қилинсин ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин.

2. Жамият бошқаруви раисининг транспорт ва логистика масалалари бўйича ўринбосари лавозимига белгиланган тартибда танлов эълон қилинсин.

3. Жамият бошқарув раиси в.б. (Усаров):

- танлов натижалари бўйича келиб тушган таклифларни ўрнатилган тартибда жамият ягона акциядорига киритсин;

- мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари талабларидан келиб чиқиб, тегишли маълумот (муҳим факт)ларни ўрнатилган тартибда ошкор қилинишини таъминласин.

**Жамиятнинг ягона акциядори  
“Ўзкимёсаноат” АЖ номидан  
бошқарув раиси**



**Ж. Мирзамаҳмудов**